


ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛИ

ҚАЗАҚСТАНДА ӨЗБЕКСТАН ЖЫЛЫ



ОҢТУСТИК ҚАЗАҚСТАН ОБЛЫСЫ БІЛІМ БАСҚАРМАСЫ
ОҢТУСТИК ҚАЗАҚСТАН ОБЛЫСЫ БІЛІМ БАСҚАРМАСЫНЫҢ ӘДІСТЕМЕЛІК КАБИНЕТІ»

ҚР ӨЗБЕКТЕРІ «ДУСТЛИК» ҚАУЫМДАСТЫҒЫ
М.ӘУЕЗОВ АТЫНДАҒЫ ОҢТУСТИК ҚАЗАҚСТАН МЕМЛЕКЕТТІК УНИВЕРСИТЕТИ
«КӨПТІЛДІ БІЛІМ БЕРУ ЖАҒДАЙЫНДА АНА ТІЛІН ОҚЫТУДЫ ЖЕТІЛДІРУ:
ПРОБЛЕМАЛАР, ЖАҢАША КӨЗҚАРАСТАР ЖӘНЕ ШЕШІМДЕР»
тақырыбындағы
ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ-ПРАКТИКАЛЫҚ КОНФЕРЕНЦИЯНЫҢ
МАТЕРИАЛДАРЫ



МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

«СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ РОДНОГО ЯЗЫКА
В УСЛОВИЯХ МНОГОЯЗЫЧНОГО ОБРАЗОВАНИЯ: ПРОБЛЕМЫ,
НОВЫЕ ПОДХОДЫ И РЕШЕНИЯ»

“КЎПТИЛЛИ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:
МУАММОЛАР, ЯНГИЧА КЎЗҚАРАШЛАР ВА ЕЧИМЛАР”
МАВЗУСИДАГИ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

adam yaqinlashdi desak, yanglishmagan bo'lamiz. Bu integratsiya orqali biz ham ta'limiy, ham tarbiyaviy, ham rivojlantiruvchi maqsad yuzaga chiqarilgan mukammal ta'limni amalga oshirishimiz mumkin. Yoshlar ma'naviyatini o'stira olamiz. Zero, Navoiy bilgan, o'qigan inson o'zini, o'zligini anglaydi, qalbiga nazar sololadi. Istorizmlar (tarixiy so'zlar)ni o'qitish esa nafaqat tilning tarixiy taraqqiyoti, balki bugungi kundagi holati, undagi o'ziga xosliklarni o'rganishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1 O'zbek tilining izohli lug'ati, 1-2-3-4-5-tomlar, T.: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2006, 2007, 2008.
- 2 N. Mahmudov, A. Nurmonov, A. Sobirov, V. Qodirov, Z. Jo'raboyeva, 5-sinf Ona tili darsligi, T.: Ma'naviyat, 2015.
- 3 Sh. Rahmatullayev, Hozirgi adabiy o'zbek tili, T.: Universitet, 2006.
- 4 Alisher Navoiy, Hayrat ul-abror, T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006.

Адабиёт ўқитишда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг методик хусусиятлари

Оқилад Тўракулова

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг мустақил изланувчиси

Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Маълумки, бошқа ўқув фанлари бўйича ўтиладиган дарсларда ўқувчилар турли йўл, усул ва воситалардан фойдаланиб ўзгалар томонидан аввалдан белгилаб қўйилган ягона хулосага келади. Адабий таълимнинг ўзига хослиги шундаки, унда ҳар бир ўқувчи ўз олдига қўйилган муаммони тегишли мақсад ва вазифаларни белгилаган ҳолда билими ва ҳаётий тажрибасига таяниб турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, интеллектуал имконияти даражасида мустақил равишда ҳал қилади. Ўрганилаётган бадиий матн, ундаги қаҳрамонлар, тасвирланган бирор ҳодиса ёки вазият борасида ҳар бир ўқувчиларнинг асар ҳамда дарслик муаллифлариникидан фарқ қилувчи ўз хулосаси бўлади. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш шуниси билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқувчи шахсида фикр кишисини тарбиялаш мақсадида ташкил қилинган адабиёт дарсларида тарбияланувчи ўқитувчидан маълум вақт ичида бажарилиши лозим бўлган топшириқни олади. Масалан, 8-синфда Алишер Навоий ва Нодиранинг умрбаёни ҳамда ғазаллари ўрганилиб, ўқувчилар шоирлар услубини фарқлайдиган бўлганларидан сўнг, уларга ўрганилган икки ғазалнинг мақтаёсини олиб қўйилган ҳолда тақдим этилади. Ўқувчидан уларнинг қай бири Навоий қаламига, қайсиниси Нодира ижодига мансуб

эканини аниқлаш талаб қилинади. Унда ўқувчи асарнинг мазмунига, унга сингдирилган муаллиф шахсиятига асосланиши кераклиги айтилади. топшириқни ўз муддатида бажариш учун ўқувчи вақтини тўғри таъминлаш ва қиладиган ишларини пухта режалаштириши керак. Шунинг билан ўқувчини мустақил равишда ўйлашга мажбур қилади. Ҳар иккала ҳолатда ўқиб, уларнинг моҳиятига етиб, улардан асар қаҳрамони хиссиётини таъминлаш шу асосда муаллифини аниқлаш ўқувчини ақдий зўриқтириб, таъминлаш топишга эришадиган тадқиқотчи ҳолатига солади.

Ўқувчини фикрлаш жараёнида ҳодисанинг ўзаро сабабий боғлиқлигини таъминлайдиган умумий алоқани, асосий моҳиятни топишга ўқувчи мустақил фикрни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф ҳар бир инсонга хос бўлган ривожланиш даражаси ҳамisha мустақил равишда мутаносиб бўлади. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитувчиси ўқувчини фикрлашининг ташқи муҳит билан алоқасини аниқлаш ва таъминлаш мувофиқлаштириши, унинг йўналишларини бошқара билиши керак.

Ижодий фаолият ва мустақил фикрнинг юзага келишида тасаввурнинг ўрин тутаети. Бирорта янги нарсани яратиш учун одам аввал келинган тасаввур қилади. Инсон ҳаёт йўсинидаги ҳар қандай ўзгариш аввал тасаввурда амалга ошади. Тасаввур ёрдамида одам ўз фаолиятини турмуш шароитини ўзгартиришга, уни ўзининг моддий ва руҳий эҳтиёжларига мувофиқлаштиришга уринади.

Фикр юритиш фаолияти мустақиллигини ривожлантиришда таъминлайдиган асосий сабаблар: ўқув топшириқларининг нотўғри қўйилиши, ўқувчилардан мулоҳаза юритишни изчил равишда талаб этилиши, мустақил фикрлаш қобилияти қанчалик ривожланганига эътибор бермасликдир. Бундай вазиятда тарбияланган ўқувчилар ўз-ўзларидан мулоҳаза қулига айланиб қоладилар.

Адабиёт дарсларининг ўқувчи ва ўқувчига маънавий сўзга эришмай олмайдиган тарзда уюштирилиши боланинг фанга қизиқишини сустайтади. Бола табиатан тараққий этаётган шахс сифатида маънавий бойлик қўриқиб йўлларини излайди. Вужудга келган маънавий талабни қондириш мустақил билим олишга киришади. Лекин, ҳамма ҳам шундай эмас. Мустақил ишлашга одамтланмаган болаларнинг катта қисми ўқимасликни афзал билиб қолишади. Бир қолипдаги дарсларнинг тарзда дарсда ўнғайсиз ҳолатни юзага келтирмаслик, агар шундай ҳолат кузатиб қолганда ҳам ундан чиройли, ҳеч кимга салбий таъсир қилмайди. Шунинг билан кимнинг шаънига тегиб кетмайдиган йўллар билан чиқиб кета олиши мумкин ва ҳамма учун қизиқарли дарс ўтиш, дарсликда баён қилинган фойдаланган қарашлардан фойдаланган ҳолда адабий асарни мустақил таъминлашга интилиш жуа яхши натижа бериши мумкин.

Адабий таълим методикаси илмининг бугунги талаблари бўйича ўқувчи ёки бу хилдаги бадиий асарни ўқиш, тушуниш орқали мустақил равишда юритиш, мулоҳаза қилишга кундан кун ўрганиб боради.

Ўқитувчи ўқувчиларининг тортинчок бўлишига, фикрини очик айтмай, шунда сақлаб қолишига йўл қўймаслиги керак. Болада шахсий фикр маслиги, мустақил мулоҳазадан узоқлиги, тайёр жумлаларни тўтидай торлашидан кўрқиш керак.

Д. Толстойнинг фикрича, болаларда ижодкорликни ўстириш учун уларни шунда ундовчи ҳаётий омил ва керакли материал билан таъминлаш зарур. Шунда эркинлик бериш, «**уни ўқитишни бас қилиш**» шахс шакллантиришда катта самара беради. Аабий таълим жараёнида адабиёт ўқитувчисининг шахсий вазифаси керакли материал билан таъминлаш, ишга қандай қилинишни ўргатиш, тўғри йўналиш беришдан иборатдир.

Адабиёт дарсларида ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишда улар билан ҳақида суҳбатлашишни билиш, уларни матндан жавоб излашга мажбур қилинган саволлар бериш, бу саволлар ёрдамида ўқувчини асар моҳиятига қизиқтириб кириш, ундаги тасвир ҳақида онгли равишда, тўла ишонч билан маълумотларга келишга кўмаклашиш жуда муҳим. Бадиий асар таҳлили жараёнида асарнинг мазмун ва шакли орасидаги алоқани назардан ўтказиб, фирмаслик, шахс билан жамият орасидаги алоқани таъминлаш билан ўқитувчи дарснинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Академик лицей ўқувчисининг тафаккур даражаси эркин, муҳокама қилинишига ҳар жиҳатдан мойил бўлади. Маълум қолипларга солинган тафаккур мантиқсиз ва куруқ муҳокамани вужудга келтиради. Фикр қилинишини тасодифий ҳодисаларга қаратади. Бундай тафаккур чинакам тафаккурликни топишга қодир эмас. Чинакам ижодга мойил тафаккур воқеалар муҳокама қилишга ўта зийраклик билан ёндашади. У ҳодисалардаги қарама-қаршиликларни илғаб олади, уларни айланиб ўтишга эмас, аксинча, ҳал қилишга уринади. Бундай вазиятларда ўқувчилар тилидан: «Менимча...», «Менинг назаримда...» деган иборалар эшитилади. Бадиий асар устида таҳлил қилишда тимсоллар ва тушунчалар бадиий ҳамда илмий тафаккур билан тафаккурликликда амалга оширилса, ўқувчиларнинг адабий билимдонлик даражаси ҳам ортиб боради.

Бадиий асар таҳлили жараёнида ўқувчилар олдида ўрганилаётган асарга қизиқтиришга қўриқилган аҳамиятга эга, болаларни қизиқтириши шубҳасиз бўлган адабий, фалсафий, эстетик, тарихий масалалар қўйилса, таълим жараёни янада самарали бўлади. Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш асосида билим олишларини таъминлаш ва билим олишга шайқош қилишга уйғотишда таълим мақсадини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Адабиёт методикаси илми ҳар бир адабиёт дарси олдида **бадиий, таълимий, йўналтирувчи ва ривожлантирувчи** сингари мақсадлар қўйилиши лозимлигини кўзда тутати. Бу хил мақсадлар тўғри қилинаётган бўлиб олинса, дарс жараёни шу асосда ташкил этилса, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари учун улкан имкониятлар пайдо бўлади. Мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатишга қаратилган адабиёт дарсларини ташкил қилишнинг психологик-дидактик шартларини: ўқувчилар билимдонлигининг ортиши, умумий босқичга мувофиқ келадиган даражаси; ўқувчиларни ўқиш ва меҳнат

қилишга, ўқитувчи раҳбарлигида мустақил билим олишга ундовчи мотивларнинг етарли даражада шаклланганлиги; дидактик тамойиллар ва ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш қоидаларига амал қилиниши; таълимнинг метод ва шаклларида ўринли фойдаланиш ташкил этади. Адабиёт дарсларини ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш асосини ташкил қилишда умумдидактик тамойиллардан ташқари, таълим жараёни мантиғига асосланган махсус қоида ҳамда қонуниятларга амал қилиш ҳам талаб қилинади. Дарс синфдаги болалар билан ялпи йшлаш ҳамда ҳар бир ўқувчининг мустақил фаолиятни биргаликда қўшиб олиб бориш кўзи тутилган ҳолда, ўқитишнинг жамоа, гуруҳ ёки индивидуал шаклларида ташкил этилиши мумкин. Бундан ташқари, дарснинг мақсад ва вазифаларига мазмун ва методларига мос келадиган тизими ҳам зарур. Ўқувчилар мустақил тафаккури ва фаолиятини таъминлашга қаратилган дарслар педагогик асос сифатида ташкилий жиҳатларининг аниқлиги, режалилиги, яхлитлиги, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг тенглиги, мажбурий ва ихтиёрийлиги ҳамда мантиқий изчиллиги таъминланганлиги билан ажралиб туриши керак. Бундай тартиб дарс жараёнини бошқаришни осонлаштиради.

Адабий таълим жараёнида ўқувчи тафаккури мустақиллигининг меҳнат билан боғлиқ бўлган айрим белгилари юзага чиқиши керак. Ўқувчининг таълим жараёнидаги мустақиллиги, одатда, “мустақил билим олиш” тушунчаси билан ифодаланади. Бу ўринда “мустақил билим олиш” деган атама ўқувчини мустақил ўқишга ундайдиган интеллектуал қобилият ва малакани англатади. Ўқувчидаги мустақил равишда билим олиш қобилиятига эгалликни кўрсатувчи белгилар: унинг мустақил равишда ҳар хил қўшимча манбалардан янги билимларни ўзлаштириши ва шу орқали ўзини янги малака ва кўникмаларни ҳосил қила олиши; қўшимча адабиётлардан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан дарс жараёнида, ўзининг маънавий камолоти йўлида фойдалана билиши; билимларини дарсда ва ҳаётда турли масалаларни ҳал этиш амалиётида қўллай олишида намоён бўлади. Ўқувчида бундай сифатларнинг мавжудлиги унда билим олишга интилиш, ўқишга тортувчи сабаблар борлигини намоён этади.

Бугунги таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши бўлган қизиқишини шакллантиришда икки нарса ҳисобга олиниши зарур. Биринчидан, ўқувчилар онгида фан ҳодисалари ва уларнинг ўзаро алоқасини нечоғлик мукаммал акс этганлигини аниқлаш. Иккинчидан, шу асосда билимларни ўзлаштиришга, олинган билимларнинг чуқур ўрнашиб қолишига қизиқиш уйғотиб, уни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш. Тарбияланувчиларнинг мустақил фикрлаш ва мустақил равишда билим олишга қизиқишининг шаклланишига ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги шунингдек, синфдаги болалар ўртасидаги ўзар омуносабатлар ҳам катта таъсир кўрсатади.

Адабиёт дарсларида ўқувчи тафаккури тўғри ривожланиши учун унга тўғри таъриф беришга, таҳлил қилишга, таққослашга, умумлаштиришга одатлантириш, ўз фикрини тўғри, равон, аниқ ифодалаш ва асослаштириш

стиш, мустақил равишда ҳукм, хулоса чиқариш, мулоҳаза юритишга йўналтириш керак. Фикр юритишнинг бундай шакллари уларда ақлий қўнқма ва малакаларни ўстиради. Натижада, ақлий ривожланиш амалга оширилади. Мустақил фикр кишиси шаклланади. Ўсмирлар олдига ҳар хил адабий тимсолларни мустақил таққослаш, уларнинг табиатига хос бўлган хусусиятлар ва фарқли томонларини топиш талабини қўйиш яхши самара бериши табиқий ҳолатдир. Ўқувчида умумлаштириш қўнқмасини қўнқил қилиш учун, аввало, умумий ва хусусий жиҳатларни, иккинчи даражали нарсаларни ажрата билишга йўналтира билиш керак. Бунинг учун педагогик лицейнинг аабиёт дарслигида тақдим этилган “Ўтган кунлар” романининг қаҳрамонлари Кумушбиби ва Зайнаб тимсолларини таққослаш табиқий ҳолатдир. Бу ўринда ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга йўналтирувчи савол-топшириқларни туза олиш ва беришдан иборатдир. Кумушбиби билан Зайнабнинг қандай умумий жиҳатлари бор? Кумуш биби табиатидаги фазилатларнинг илдизини матндан топиб, изоҳланг. Зайнабда ўз ҳаёти учун кураш фикри қандай туғилгани ҳақида ўйлаб кўринг. У курашнинг бошқачароқ йўлини топиши мумкинми? Нега тополмади? Зайнабга нисбатан кўнқлингизда қандай туйғу пайдо бўлди? Ачинишми, қўнқратми, раҳм-шафқатми? Бунинг сабабини ўз шахсиятингиздан қидириб кўринг.

Асар тимсоллари устидаги бу каби ишлар бошланғич синфлардаёқ табиқий ҳолатда бошланиши, унда ўқувчи олдига қўйилган вазифалар унинг интеллектуал имкониятлари даражасида бўлиши, синф юқорилашгани сайин интиқазам тарзда улар мураккаблашиб бориши талаб этилади. Академик лицейларнинг 2 босқич талабаларига мўлжалланган “Адабиёт” дарслигида Алишер Навоийнинг рубоий ва қитъалари ўрганиш учун тақдим этилган. Рубоий ва қитъа ҳақида қисқагина назарий маълумот ҳам дарсликдан ўрин олган. Ўқитувчи бу мавзуларни ўтиб бўлгач, ўқувчиларга дарсликдаги бир рубоий ва қитъани тақдим этиб, уларнинг жанрини аниқлашни сўраши мумкин. Ўқувчининг бу топшириқни бажариш йўлидаги ақлий фаолияти табиқий ҳолатда маълум билим, қўнқма ва малакаларнинг шаклланиши бўлишини талаб этилади. Узлуксиз таълим жараёнининг ўрта босқичида ўқувчилар дарсда олган янги билимлар моҳиятига, унинг инсон ҳаёти учун аҳамиятли эканига ишонч ҳосил қилишга интилади. Баъзан уларда эътироз ёки шубҳа туғилади. Лекин, кўпинча бу эътирозлар ўқувчиларнинг ичида қолиб кетади. Тафаккурни оқилона йўллар билан ўстириш учун ўқитувчи ўқувчиларидаги бундай ҳолатларни илғаш, болаларнинг ичидаги шубҳа ва эътирозларни баъзага чиқаришга ундайдиган вазият яратиши керак бўлади. Бу хислатнинг ривожланиши асосда нарс ва ҳодисалар ҳақидаги қарашларни асослаш, далиллар келтириш, исботлаш, ишонтириш каби ақлий камолотга етакловчи, билимнинг пухталигини таъминловчи сифатлар такомиллашади.

Адабий таълим жараёнида ўқувчи тафаккури мустақиллигини таъминлаш ва ривожлантириш учун ўқитувчи ўқувчиларни дарсликда берилган тушунча ва хулосаларнинг тўғрилигини текшириш ва далиллашга, бу йўлда энг қулай

усул ва методлардан фойдаланишни, ҳар бир нарсаяҳодиса юзасидан мустақил фикр юритишни, вазиятга ижодий ёндашишни, бировларга ёқмаслигидан қатъи назар ўз фикрини айтишни ўргатиши керак, деген хулосага келдик. Муаллим тарбияланувчиларни мантикий фикр юритиш усуллари билан таништириб бориши; қолипда фикрлашга йўл қўймаслиги, ижодий изланишга етаклаши; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, ақлий имкониятларни юқори даражада ишга сола билиши; ҳар бир ўқувчи олдига ўзига хос муаммо қўя олиши ва уни ечишга йўналтириши уларни учрайдиган қийинчиликларнинг олдини олиш ва енгитиш одатлантириши зарур. Ўқувчи тафаккурининг мустақиллигини таъминлашга истаган педагог ўз фанидан ташқари психологик билимларни пухта эгаллашга мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, адабиёт дарсларининг ўқувчида маънавий озуқа бера олмайдиган тарзда уюштирилиши боланинг фанга қизиқишини сусайтиради. Бола табиатан тараққий этаётган шахс сифатида маънавий бойлик орттириш йўллари излайди. Вужудга келган маънавий талабни қондириш мақсадида мустақил билим олишга киришади. Лекин ҳамма ҳам шундай эмас. Мустақил ишлашга одамтланмаган болаларнинг катта қисми умуман ўқимасликни, фақат жисми ва нафсини қондиришга яшашни афзал билиб қолишади. Жамиятнинг маънавий инқирозга юз тутгани сабабларидан бири ҳам ана шунда. Бир қолипдаги дарслардан қочиш, дарсдан ўнғайсиз ҳолатни юзага келтирмаслик, агар шундай ҳолат юз бериб қолганда ҳам ундан чиройли, ҳеч кимга салбий таъсир қилмайдиган, ҳеч кимнинг шаънига тегиб кетмайдиган йўллар билан чиқиб кета олиш, жонли ва ҳаётий учун қизиқарли дарс ўтиш, дарсликда баён қилинган фикр ҳамма қарашлардан фойдаланган ҳолда адабий асарни мустақил тушунишга таъминлашга интилиш бу инқирознинг олдини олиши мумкин. Адабий таълим методикаси илмининг бугунги талаблари бўйича ўқувчи у ёқда бундан хилдаги бадиий асарни ўқиш, тушуниш орқали мустақил фикр юритиш мулоҳаза қилишга кундан кун ўрганиб боради. Бу ўз-ўзидан амалга ошмайди албатта. Бола асар устида ишлашни билиши керак. Шунда унинг мустақил нуқтаи назари шаклланади. Ўз-ўзидан маълумки, бу фазилат ўзгаларнинг ташқаридан берган маслаҳати маҳсули эмас, ўқувчининг шахсий фикрига мустақил ўйлаши ва бир қарорга келишининг натижаси бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларининг тортинчоқ бўлишига, фикрини очик айтмай, дилида сакитиб қолишига йўл қўймаслиги керак. “Болада шахсий фикр бўлмаслиги, мустақил мулоҳазадан узоқлиги, тайёр жумлаларни тўтидай такрорлашидан қўрқиб кетмаслиги керак”, дейди педагог олимларимиз. Тафаккур мустақиллигининг ўсиши ўқитиладиган фанлар, ўқитувчи ва ота-онанинг таъсирига ҳам боғлиқ. Ўқитувчи, айниқса, бошланғич мактабда, ота-она оилада болага унинг исми, уйи, шахрининг номи иштирокида эртақлар тузишга ўргатиши ҳужум фойдали. Бу билан улар болада ҳаётий тажриба бўлишига кўмаклашади. Унга ўз йўлини аниқлаб, билимлар дунёсида ўз ўрнини белгилаб олишга ёрдамлашадилар.

Демак, ўзликни англаш учун ўзни хис қилиш имкониятига эга бўлиш керак.

Адабиётлар рўйхати:

- Глобал таълим. Ўқитувчилар учун қўлланма. – Т.: ХТВ, 2004. -153 б.
Ибрагимов Р. Муаммоли дарс босқичлари. //Халқ таълими. -1998. -3. –Б. 76-78.
Зуннунов А. ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992. –333 б.
Зуннунов А., Ҳотамов Н., Хайруллаев М. ва бошқ. Ўзбек педагогикаси тарихи. Олий ўқув юртлири учун дарслик. –Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 2001. –291 б.
Ўлдошев К. Ўқувчи нега зерикади? //Шарқ юлдузи. 1991. -6. –Б. 203-205.
Ўлдошев Қ ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. Дастурий қўлланма. –Т.: РТМ, 1994. –9 б.

Tasviriy ifodalarni o‘qitishda “Qutadg‘u bilig” matnidan foydalanish

Xolmuradova Mushtariy

(O‘zbekiston. Alisher Navoiy nomidagi

Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti doktranti

Umumta’lim maktablarning 5-sinfida “Tasviriy ifodalar” mavzusi o‘rganiladi. Tasviriy ifoda, ya’ni tasviriy ifodalar narsa, voqea-hodisalarning ikkinchi nomi hisoblanadi. Tasviriy ifodalar ot turkumidagi so‘zlar bilan ifodalanib, obrazlilik uchun xizmat qiladi. **Tasviriy ifoda** – narsani aniq atamay, tasvirlash uchun qo‘llangan so‘zlar qo‘shilmasi.[2.24;3.59]

Tasviriy ifodalarni o‘rganishda badiiy matndan foydalanish ko‘rgazmalilikni ta’minlaydi. O‘quvchilarga badiiy matnni mutolaa qilish, unda qo‘llangan tasviriy ifodalarni topish haqida topshiriq berilishi mavzuning to‘liq o‘zlashtirilishini ta’minlaydi. Zamonaviy matn bilan bir qatorda, mumtoz manbalardan keltirilgan parchalarni mutolaa qilishga da’vat etish ham ijobiy natija beradi. Bunda o‘quvchi tasviriy ifodalarning shakllanish jarayoni, ta’sirchanlikni oshirishdagi o‘rni, o‘quvchining mahorati haqida kengroq tasavvurga ega bo‘ladi. Masalan, bu baytda “Qutadg‘u bilig” matnidagi tasviriy ifodalarni o‘rganish o‘ziga xos xarakteristikamiyatga ega.

“Qutadg‘u bilig”da qo‘llangan tasviriy ifodalarda, asosan, tabiat hodisalari, narsa-buyumlar aks ettirilgan.

Belinlär odundi kötürdu başın, qara zāngi qilmış yüzini işin / Cho‘chib tug‘ondi, boshini ko‘tardi, qora habash yuzini pardalabdi (ya’ni zulmat ketib tong yorisha boshlabdi)- [4.3247]¹⁶. Ushbu baytda zulmat– qara zāngi “qora habash” tasviriy ifodasi aks ettirilgan. Zulmat, ya’ni tunning qoraligi uning qora habashga ta’noslanishiga asos bo‘lgan. Bunda muallif go‘zal badiiylik namunasini yuzaga keltirgan. Baytda tunning quyuqligi, qoradan ham qoraligi ifodalangan. Qora habashning rangi, tabiiyki, qora bo‘ladi. U yuzini pardalamasa, qoraligicha

¹⁶ Adabiyotni ko‘rsatuvchi raqamdan keyingi sonlar baytning tartibini bildiradi.